



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2025
1-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2025 йил, 1-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров
PhD, доцент И.М.Пардаева
А.Х.Мингбоев

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида
тарқатилади.**

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМШИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

Наргиза Музафаровна Бабаева Жаҳон лизинг хизматлари бозорининг ҳолати таҳлили ва ўзбекистонда унинг ривожланиш тенденциялари.	70
Рамз Зоиржон ўғли Мухаммадиев Тиббий хизмат сифатини яхшилашда юқори технологиялар ўрни.	77
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Гульнара Мардиевна Шадиева, Бону Бахтиёрвна Давронова Туризм в Узбекистане: драйвер экономического роста и социальной стабильности	80
Maksuda Valeriyevna Israilova Sog'lomlashtirish turizmning mohiyati va rivojlanish tarixi.	84
Dilshod Usmanovich Ruzmanov Turizmда madaniy-tarixiy resurslar salohiyatidan samarali foydalanish usullarini takomillashtirish	90
Nargiza Akbardjonovna Abduvaxidova Barqaror turizm rivojlanishida muammo va imkoniyatlar	94
Фарход Абдихидович Бекназаров, Азиза Пирмаматовна Махмудова Мамлакатимиз экотизими ва маданий меросини комплекс сақлаш ҳамда минтақада экотуризмни ривожлантиришда геопапркларнинг ўрни	99
Aziza Javaxirovna Mir-Djafarova Iqtisodiyotni raqamlashtirishda turizm va mehmonxona xizmatlarini tashkiliy-iqtisodiy mexanizmini takomillashtirish	103
Камилла Бахромовна Суюнова, Олтинбек Бобирович Умаров Роль маркетинговых стратегий в развитии цифровизации сферы туризма в Узбекистане	108
Rayhona Sadriddinovna Amriddinova, Sitara Otabekovna Xamroyeva Jismoniy imkoniyatlari ma'lum darajada cheklangan insonlar turizmini rivojlantirishda innovatsion texnologiyalarning ahamiyati	111
Parvina Asliddin qizi Xolmatova Hududlarda ekoturizmni tashkil etish va rivojlantirishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmi	114
Xasan Ibragimovich Turdibekov O'zbekiston sharoitida overturizmni baholash uslubiyatini takomillashtirish	118
Aziza Yusufbekovna Talibova O'zbekistonda raqamli iqtisodiyot sharoitida ekskursiya xizmatlarini rivojlantirishning samarali yo'llari	122
Нодир Нозимович Негматов Роль визуальных и культурных стимулов Узбекистана в формировании лояльности туристов: нейромаркетинговый подход.	127
Nodirjon Abduxalil o'g'li Xoliqov, Ibragim Xudayarovich Nimatov O'zbekiston Respublikasi turistik salohiyati: tahlillar va istiqbollar	132
Азиза Пирмаматовна Махмудова, Ситора Отабековна Ҳамраева Мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришда Big Data технологияларидан фойдаланиш йўллари	138
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Nigina Marupovna Usmanova, Mavluda Shuxratjon qizi Nishonova Qarorlar qabul qilish jarayonini tahlil qilish va korxonada boshqaruvni takomillashtirish yo'llari	140
Gulshan Akmalovna Abduvohidova Tashkilot intellektual resurslarini boshqarish tamoyillari	145

Наргиза Музафаровна Бабаева – КўқонДУ доценти, иқтисодиёт фанлари доктори

ЖАҲОН ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИНГ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Аннотация. Замонавий дунёда лизинг нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорларда ҳам инвестиция лойиҳалари ва ишлаб чиқаришни молиялаштиришнинг энг самарали усулларидан бири ҳисобланади. Ушбу соҳа ўз тарихи давомида жуда кўп ўзгаришлар ва янгиланишларни бошдан кечирди. Ушбу мақолада глобал лизинг хизматлари бозорининг ҳозирги ҳолати таҳлил этилиб, Ўзбекистонда янги бизнес йўналишида эришилган натижалар ва ривожланиш тенденциялари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: лизинг, глобал лизинг хизматлари бозори, лизинг бозори, янги бизнес, ЯИМдаги улуш, инвестициялаш ва молиялаштириш.

Кириш. Ҳозирги даврда компаниялар бозорда самарали фаолият юритиш ва рақобатбардош бўлиш учун ишлаб чиқаришни инвестициялаш ва молиялаштиришнинг энг фойдали усулларини қидирмоқдалар. Масалан, компаниялар ўз маблағларини камайтириш, кредит активларини сотиб олиш, шунингдек, узоқ муддатли лизингни амалга ошириш орқали ўз активларини тўлдиришлари мумкин. Энг машҳур молиявий инструментлардан бири - бу лизингдир.

Лизинг (молиявий ижара) - мулкни сотиб олиш ва шартнома бўйича унинг ваколатли органлари томонидан давлатга, фойда (даромад) олиш ёки лизинг объектининг эскиришини ҳисобга олган ҳолда лизинг берувчи, мол етказиб берувчи, лизинг олувчи ва лизинг лойиҳасининг бошқа иштирокчилари билан ижтимоий самарага эришиш учун жисмоний ёки юридик шахсга белгиланган муддатга фойдаланиш учун уни топшириш билан боғлиқ бўлган инвестицион - тадбиркорлик фаолиятининг бир тури ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, лизинг — молиявий ижаранинг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб олади ва уни лизинг олувчига шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ўн икки ойдан ортиқ муддатга беради.¹

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Лизингни шакллантириш, ташкил этиш ва такомиллаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари мамлакатимиз ва қатор хорижий тадқиқотчиларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган. Жумладан, етакчи хорижий ва МДҲ мамлакатлари олимларидан Й. Шумпетер, Б.М. Сабанти, В.Д. Газман, В.А. Горемыкин, Е.В. Кабатова, В. Я. Лимарев, Л.Н. Прилуцкий, В.И. Ткачларнинг илмий изланишларида лизингни инвестицион фаолият сифатида амал қилиши ва ривожланишининг муҳим масалалари тадқиқ этилган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар Э. Ф. Гадоев, Д.Г. Газибеков, С.С. Исмайлова, Х.А. Ортиқов, О.Ш. Сабиров, Х.А. Туксанов, Т.Н. Утанов, Ш.У. Хайдаров, М.А. Юлдашев, А.Т. Хошимова лизинг фаолиятини самарали ташкил этиш ва лизинг компанияларини молиявий барқарорлигини таъминлаш муаммоларининг амалий аспектларини ўз илмий тадқиқот ишларида ўрганган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида жамлаш, гуруҳлаш, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез ҳамда иқтисодий таҳлилни анъанавий усуллари қўлланилди.

Таҳлил ва натижалар. Лизинг битимининг моҳияти лизинг берувчи томонидан лизинг олувчи учун зарур бўлган мулкни сотиб олиш ва ушбу мулкни ижарачига вақтинча фойдаланиш учун лизинг тўловлари эвазига бериш орқали молиявий ресурсларни инвестиция қилишдан иборатдир. Лизинг битими куйидаги иштирокчиларни ўз ичига олади: лизинг берувчи, лизингни олувчи, суғурталовчи, етказиб берувчи ва инвестор.

Лизинг ҳақида фикр юритишда, бойлик мулк ҳуқуқига асосланган мулкка эгалик

¹ “Лизинг тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 14.04.1999 йилдаги 756-И-сон.

эмас, балки ундан (мулкдан) фойдаланиш эканлигини таъкидлаган Арастуни эсга олиш ўринлидир. Аммо лизинг молиявий битим сифатида Арасту яшаган даврдан анча олдин мавжуд бўлганлиги маълум: инглиз муаллифи Т. Кларк эрамиздан аввалги 1760-йилларда қабул қилинган Ҳаммурапи кодексида лизингга оид бир қанча қоидаларни топганлигини таъкидлайди. Англияда замонавий лизингга ўхшаш операциялар ўрта асрларда ҳам аллақачон қўлланилган. Уларнинг предмети бўлиб қишлоқ хўжалиги жиҳозлари ва отлар ҳисобланган.

Лизинг тушунча сифатида 1877 йилда пайдо бўлган. Бу ҳолат Белл телефон компаниясининг фаолияти билан боғлиқ, чунки, айнан, шу компания телефонларни ижарага бериш орқали лизингни тақдим этишни биринчи бўлиб бошлади. 1952 йилда Америка бозорида асосий фаолияти лизинг операцияларини амалга ошириш бўлган «United States Leasing Corporation» корпорацияси пайдо бўлди. Кейинчалик лизинг хизматлари инвестициялашнинг янги тури сифатида бутун дунёда кўрсатила бошланди¹.

Генри Форд 1930-йилларнинг охирида ўз автомобилларини кечиктирилган якуний тўлов схемасидан фойдаланган ҳолда сота бошлаган, бунда ҳар бир тўлов капитал қийматини ва автомобил нархининг бир қисмини қоплаган. АҚШ ва Англияда лизинг дастлаб темир йўл транспорти соҳасида ривожлана бошлади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин деярли барча ривожланган мамлакатлар солиққа тортиш тизими мақсадларида лизингга олинган мол-мулк учун тезлаштирилган амортизацияни жорий қилдилар, ва бу ушбу соҳанинг ривожланишига қўшимча туртки бўлиб хизмат қилди.

1952 йилда Америка Қўшма Штатларидаги биринчи лизинг компанияси – “United States Leasing Corp” ташкил этилди. У бир дона лизинг шартномасини бажариш учун маҳсус яратилганди. Францияда биринчи лизинг компанияси 1957 йилда пайдо бўлган. Корхона банк ташаббуси билан ташкил этилган бўлиб, саноат ускуналарини лизинги билан шуғулланган. Буюк Британия, Дания, Швеция, Италия, Германия, Франция каби мамлакатларда лизинг инвестицияларни молиялаштиришнинг муҳим манбаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда глобал лизинг хизматлари бозоридаги энг йирик компаниялар орасида Enterprise Holdings Inc, McDonald’s, Tokyo Century va Ford Motor Co, General Electric Company, United Rentals Inc, Berkshire Hathaway Inc, Daimler AG компанияларини кўриш мумкин².

1-жадвал

Минтақалар бўйича лизинг хизматлари ҳажми ва уларнинг ўзгариши³

№	Ҳудуд	Йиллик ҳажм (US, млрд долл)	Ўсиш 2021-2022, %	Жаҳон бозоридаги ҳажми 2021, %	Жаҳон бозоридаги ҳажми 2022, %	Бозор улушининг ўзгариши 2021-2022, %
1	Шимолий Америка	546.06	7.0	34.88	37.15	2.3
2	Европа	441.73	-1.1	30.52	30.05	-0.5
3	Осиё	425.44	-6.0	30.62	28.94	-1.7
4	Австралия ва Янги Зеландия	26.50	-0.8	1.83	1.80	0.03
5	Жанубий Америка	25.33	-5.0	1.82	1.72	-0.1
6	Африка	4.94	0.2	0.34	0.34	0.0
Ялпи		1.470.00				


¹ История возникновения и развития лизинга [Электрон ресурс]. <https://vuzru.ru/istoriya-vozniknoveniya-i-razvitiya> - Дата доступа: 20.03.2023.

² Leasing Global Market Report 2022 [Электронный ресурс].-Режим доступа: Leasing Global Market Report 2022 (yahoo.com) - Дата доступа: 20.03.2023., Leasing Global Market Report 2023 [Электронный ресурс].-Режим доступа: Leasing Global Market Report 2023 - Research and Markets - Дата доступа: 20.03.2023

³ Leasing Global Market Report 2023 [Электронный ресурс].-Режим доступа: Leasing Global Market Report 2023 - Research and Markets - Дата доступа: 20.03.2023


Жаҳоннинг, “янги бизнес” номи билан салмоқли ўрин эгаллаётган, лизинг хизматлари бозорини таҳлил қилар эканмиз, 2022 йилда жаҳон лизинг саноати ҳажмининг 0,5 фоизга ошгани ва соҳа истиқболлари жуда оптимистик эканлигини қайд этиш мумкин. 2022 йилда 50 та энг етакчи давлатлар 1,470 млрд. долларлик янги бизнес ҳажмини қайд этди, бу 2021 йилдаги 1,463 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги натижадан юқоридир. Маълумотлар шуни кўрсатадики, жаҳон лизинг саноати сўнги ўн йил ичида 70% га ўсди.

Учта ҳудуд, Шимолий Америка, Европа ва Осиё, жаҳон лизинг ҳажмининг 96% ни ташкил қилмоқда. Шимолий Америкада янги бизнес ўсиши 7 фоизга, Европада эса 1,1 фоизга пасайиш кузатилди. Осиёда бизнес ҳажми 5 фоизга камайди ва бу унга Шимолий Америка ва Европадан кейин учинчи йирик минтақага айланишига тўсқинлик қилмади. Бошқа жойларда Жанубий Америка 5%га, Австралия/Янги Зеландия 0,8%га пасайди, Африка кўрсаткичи эса ўзгаришсиз қолди. (Расм -1)



Расм -1. Лизинг бизнесининг минтақалар бўйича ўсиш темплари (2021-2022 йй.)¹

Шимолий Америка глобал лизинг хизматлари бозорида етакчи ўринни эгаллади. Европа иккинчи ўринда, янги корхоналарнинг сезиларли ўсиши кузатилаётган Осиё минтақаси эса учинчи ўринда. 2022 йил учун жаҳон лизинг хизматлари бозорининг умумий ҳажмида бошқа минтақаларнинг улуши 2-расмда келтирилган.



Расм – 2. Минтақалар бўйича жаҳон лизинг хизматлари бозорининг улуши²

¹ Маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланган

² Маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланган

АҚШ, Канада ва Мексикани ўз ичига олган Шимолий Америка сектори. 546,1 млрд. АҚШ долларини ташкил этган янги бизнес ҳажми билан асбоб-ускуналар лизинги бўйича жаҳон бозоридаги умумий улушнинг 37 фоизини ташкил этувчи жаҳондаги энг йирик ускуналар лизинг бозори сифатида ўз мавқеини сақлаб келмоқда. Қўшма Штатлар минтақадаги доминант ўйинчи ва дунёдаги энг йирик ягона лизинг бозоридир.

2022 йилда АҚШда ускуналарни молиялаштириш саноати учун янги бизнес 6,3 фоизга ўсди. Канададаги янги бизнес 2022 йилда 7,2 фоизга ўсди, статистика шуни кўрсатадики, Мексика 2022 йилда маҳаллий валютадаги янги бизнеснинг 86 фоизга таъсирчан ўсишини бошдан кечирди.

Европа 2022-йилда АҚШ долларларида янги бизнеснинг 1,1 фоизга қисқаришини қайд этди, натижада жами янги бизнес 441,7 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Европа дунё умумий лизинг ҳажмининг 31% ни ташкил қилади ва у янги бизнес бўйича дунёдаги иккинчи йирик минтақа ҳисобланади.

Аксарият миллий Европа лизинг бозорларида ижобий ўсиш рўй берди. Европанинг етакчи бешта давлати (Буюк Британия, Германия, Франция, Италия ва Швеция) умумий Европа бизнесининг 67 фоизини ташкил қилиб, дунёдаги лизинг хизматларининг энг катта ҳажмига эга бўлган етакчи ўнта давлат қаторига кирди.

Буюк Британия ва Германия дунёдаги учинчи ва тўртинчи йирик лизинг бозорлари бўлиб, Европада доминант ўйинчилар бўлиб қолмоқда. Улар 2022 йилда Европа бозорининг 40 фоизини ва жаҳон бозорининг 12 фоизини ташкил қилди. Буюк Британия лизинг саноати 2022-йилда 96,9 млрд. АҚШ доллари миқдорида янги бизнесни жалб қилди, бу ўтган йилга нисбатан бизнес ҳажмининг (маҳаллий валютада) 9,5 фоизга ўсишини кўрсатди ва жаҳон рейтингда АҚШ ва Хитойдан кейин учинчи ўринни эгаллади.

Франция 4,8 фоизга ўсиб, 62,4 млрд. АҚШ долларини ташкил этган янги бизнес ҳажми билан топ-50 рейтингда олтинчи ўринни эгаллаб турибди.

Италия тўртинчи йирик Европа бозори бўлиб, янги бизнес ҳажми 9,7 фоизга ўсиб, 35,6 млрд. долларни ташкил этди.

Осиё лизинг бозорининг кўрсаткичлари 2022 йилда нисбатан барқарор бўлди, янги бизнес 5 фоизга пасайиб, доллар ҳисобида 425 млрд. долларни ташкил этди. Осиёнинг жаҳон бозоридаги улуши 28,94% ни ташкил қилди.

Хитой сезиларли фарқ билан дунёдаги иккинчи йирик лизинг бозори бўлиб қолмоқда. 2022 йилда янги бизнес ҳажми 318,42 млрд. АҚШ долларини ташкил этди ва 2021 йилга нисбатан 1,4 фоизга ошди. Лекин бу ҳолат Хитой иқтисодиётидаги умумий пасайиш ва лизинг бозорларини тартибга солишдаги ўзгаришларни акс эттирмоқда.

Дунёдаги бешинчи йирик лизинг бозори ҳисобланган Японияда 2022 йилда лизинг операциялари 11,9 фоизга ўсди, янги бизнес 63,8 млрд. АҚШ долларига етди. Япония лизинг бозори Осиёдаги Хитойдан кейин иккинчи йирик бозор бўлиб қолмоқда.

Тайван бозори Осиё минтақасида учинчи ўринда туради ва унда 2022 йилда 13,6 фоизга ўсиш қайд этилди, янги бизнес ҳажми 23,7 млрд. АҚШ долларини ташкил этди ва мамлакатни Топ 50 ичида 11-ўринга қўйди. Осиёдаги тўртинчи йирик лизинг бозори Корея бўлиб, у жаҳон миқёсида 15-ўринни эгаллаб, 2021-йилга нисбатан 9 фоизга ўсиш билан 14,7 млрд. долларлик янги бизнес ҳажмига эришди.

Осиёнинг бошқа жойларида, масалан, Ҳиндистонда янги бизнес ўсиши 41% ни ташкил этди. Малайзияда бизнес стагнация ҳолатида бўлди, лекин Гонконгда у ўсди.

Австралия каби бошқа давлатлар 2022-йилда 26,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этган янги бизнес ҳажми билан топ-50 рўйхатида тўққизинчи ўринни эгаллади. Янги Зеландия бўйича аниқ рақамлар йўқ, аммо Австралия ва Янги Зеландия глобал лизинг ҳажмининг 2 фоизини ташкил қилади, деб тахмин қилинмоқда.

Африка глобал лизинг бозорининг атиги 0,3 фоизини ташкил қилади, Африканинг учта мамлакати топ-50таликка киради: Жанубий Африка, Марокаш ва Нигерия. 2022 йилда минтақанинг янги бизнес ҳажми 4,9 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

Жанубий Америкада бизнес ҳажми тўғрисидаги янги маълумотлар ҳар доим ҳам миллий лизинг ассоциациялари томонидан қайд этилмайди, бу ерда асосий эътибор портфел қийматига қаратилган. Бу минтақадаги янги савдоларнинг йиллик ҳажмини аниқлашни қийинлаштиради. Умуман олганда, Жанубий Америка минтақасидаги янги бизнес 25,3 млрд. АҚШ долларини ташкил этди, бу 2021 йилга нисбатан 5 фоизга камайди. Жанубий Америка жами глобал лизинг ҳажмининг 1,7% ни ташкил қилади. Жанубий Америкадаги йирик лизинг бозорлари: Колумбия, Бразилия, Чили, Пуэрто-Рико, Перу, Аргентина ва Коста-Рика ҳисобланади.

Таҳлилчиларнинг прогнозларига кўра, 2026 йилга бориб лизинг хизматларининг глобал бозори 12,0 фоиз ўсиш суръати билан 2403,84 млрд. долларгача ўсиши кутилмоқда.

2-жадвал


Дунё мамлакатларида йиллик лизинг ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши (2022 йил)¹

№	Мамлакат	Улуш, %	№	Мамлакат	Улуш, %
1	Швеция	4.05	26	Венгрия	1.50
2	Эстония	3.79	27	Норвегия	1.44
3	Словения	3.54	28	Канада	1.44
4	Литва	3.24	29	Финляндия	1.41
5	Великобритания	3.14	30	Чили	1.39
6	Тайвань	3.11	31	Португалия	1.34
7	Дания	3.10	32	Морокко	1.34
8	Словакия	2.99	33	Сербия	1.18
9	Польша	2.91	34	Жанубий Корея	0.88
10	Колумбия	2.70	35	Мексика	0.86
11	Франция	2.25	36	Испания	0.86
12	Хорватия	2.13	37	Нидерландия	0.77
13	Латвия	2.09	38	Россия	0.71
14	Австрия	2.03	39	Перу	0.70
15	Пуэрто-Рико	2.02	40	Жанубий Африка	0.46
16	АҚШ	1.97	41	Туркия	0.40
17	Болгария	1.96	42	Бразилия	0.38
18	Германия	1.93	43	Ўзбекистон	0.35
19	Чехия	1.83	44	Нигерия	0.28
20	Швейцария	1.81	45	Малайзия	0.28
21	Китай	1.78	46	Греция	0.25
22	Италия	1.77	47	Коста-Рика	0.12
23	Австралия	1.56	48	Индия	0.10
24	Бельгия	1.55	49	Аргентина	0.06
25	Япония	1.50	50	Гонконг	0.04

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси ҳам 2022 йил натижаларига кўра лизинг бизнеси бўйича дунё Топ-50 мамлакатлари ичида 43 ўринни эгаллади ва бу 2021 йилдаги 44-ўринга нисбатан 1 поғона юқоридир. Шуни таъкидлаш лозимки, 2023 йил натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси лизинг хизматлари миллий бозорида 150га яқин лизинг берувчилар иштирок этган бўлиб, улардан 40таси лизинг фаолияти билан фаол шуғулланди. Ушбу даврда лизинг операцияларининг ялпи портфели 7.4 трлн сўмни ташкил этди. Лизинг берувчилар томонидан 7500 дан ортиқ янги лизинг операциялари амалга оширилиб, уларнинг ҳажми яқин 4 трлн. сўмга тенг бўлди ва бу кўрсаткич 2022 йилга нисбатан 26%га юқоридир.


¹ Маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланган

Лизингга берилаётган объектлар таркибида, йил натижаларига кўра, ялпи лизинг операциялар ичида 36.6% улушни ташкил этувчи қишлоқ хўжалиги техникаси етакчилик қилмоқда. Иккинчи ўринни 27.0% улуш билан автотранспорт, учинчи ўринда 17.5 % улушли қурилиш техникаси ва ускуналари эгалламоқда. Ўз навбатида, лизингга технологик ускуналарни бериш кўрсаткичлари паст бўлиб 13.3%га тенг бўлди, кўчмас мол-мулкни лизингга бериш операциялари ҳажми 5.7% ни ташкил этди.



Расм-3. 2023 йилда Ўзбекистонда лизинг хизматлари бозорининг структураси ва ҳажми¹

Ўрганилаётган даврда лизинг берувчи компаниялар ичида «Mikro Leasing» МЧЖ (742,5 млрд. сўм), «Uzbek Leasing International A.O.» АЖ (604,7 млрд. сўм), ҲАТБ «Orient Finance» (434,3 млрд. сўм), «O‘zagrolizing» АЖ (414,9 млрд. сўм) ва «Autosanoat Agro Lizing» МЧЖ (353,3 млрд. сўм) лар етакчилик қилди.



Расм-4. 2023 йилда Ўзбекистондаги лизинг компанияларининг лизинг бизнеси ҳажмлари² (млрд сўм)

2023 йилда амалга оширилган янги лизинг операцияларида мамлакатимиз ҳудудлари

¹ Ўзбекистон лизинг ассоциациясининг 2023 йил натижалари бўйича ҳисоботи асосида муаллиф томонидан тайёрланди

² Ўзбекистон лизинг ассоциациясининг 2023 йил натижалари бўйича ҳисоботи асосида муаллиф томонидан тайёрланди

ичида Ташкент шаҳри етакчилик қилиб, умумий лизингни 23.3%, иккинчи ва учинчи ўринларда Самарқанд ва Наманган вилояти унга мувофиқ 13,0% ва 8,9% ни таъминлади.

Хулоса ва таклифлар. Республикада лизинг хизматлари ҳажмининг сезиларли ўсишига қарамай, соҳада қатор муаммолар мавжуд: мижозлар ўртасида лизинг тўловларини тўламаслик ҳолатларининг ўсиши, суд ишларида кечикишлар ва лизинг объектларини тортиб олиш, ресурсларнинг етишмаслиги ва уларнинг нархини ошиши, бозорда виждонсиз автолизинг компанияларининг мавжудлиги, шунингдек, лизинг соҳасининг сифатли таҳлилий материаллар билан таъминланмаганлиги ва бошқ. Мавжуд муаммо ва қийинчиликларни енгиш учун миллий лизинг компаниялари эътиборини лизинг бозори имиджини шакллантириш устида иш олиб боришга қаратиш мақсадга мувофиқдир. Бунда қўйидаги йўналишларда ишларни олиб бориш тавсия этилади:

- риск-менежментини кучайтириш ва соҳадаги фирибгарликларга қарши курашиш;
- фаолиятни тўлиқ рақамлаштириш ва давлат хизматлари билан интеграция қилиш;
- Лизинг операциялари бўйича маълумотларни тақдим этадиган ягона ахборот дарчасини очиш;
- Тармоқ фаолияти бўйича мунтазам сўровномалар ўтказиш ва таҳлил этиш;

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, шуни таъкидлаш мумкинки, лизингдан фойдаланиш қулайлиги ва самарадорлиги туфайли кўпгина ривожланган мамлакатларда ундан инвестициялаштириш ва молиялаштиришда кенг фойдаланилади. Лизинг, молиявий восита сифатида, молиялаштиришнинг бошқа усуллариغا нисбатан ўзининг афзалликларига эга. Ўрганилган маълумотлар ва олиб борилган таҳлилларга асосланиб, дунёда, ва хусусан Ўзбекистонда, лизинг хизматлари бозорини янада кенгайтириш ва ривожлантиришга барча шарт-шароитлар мавжудлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

<p>Н.Бабаева</p> <p>Анализ состояния мирового рынка лизинговых услуг и тенденции его развития в Узбекистане</p> <p>Аннотация. В современном мире лизинг считается одним из самых эффективных методов финансирования инвестиционных проектов и производств не только на внутреннем рынке, но и на внешнем. Данная отрасль за всю историю своего существования преодолела множество изменений и преобразований. В данной статье анализируется современное состояние мирового рынка лизинговых услуг, рассматриваются достигнутые результаты и тенденции развития этого направления в Узбекистане.</p> <p>Ключевые слова: лизинг, мировой рынок лизинговых услуг, рынок лизинга, новый бизнес, доля в ВВП, инвестирование и финансирование.</p>	<p>N.Babaeva</p> <p>Analysis of the state of the world leasing services market and its development trends in Uzbekistan</p> <p>Abstract. In the modern world, leasing is considered one of the most effective methods of financing investment projects and production not only in the domestic market, but also in the foreign one. This industry has overcome many changes and transformations throughout its history. This article analyzes the current state of the global leasing services market, examines the achieved results and development trends in this area in Uzbekistan.</p> <p>Keywords: leasing, global leasing services market, leasing market, new business, share in GDP, investment and financing.</p>
--	---

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

14.03.2025 йилда теришга берилди. 25.03.2025 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 13,87. Адади 100 нусха. Буюртма № 0012А/25

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2025.